

«Ўздавдонинспекция» томонидан дон қабул қилиш ва қайта ишлаш соҳасида фаолият юритувчи субъектларда ўтказиладиган текширишлар

ДАСТУРИ

1. Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектни текшириш мақсади билан таништириш, текшириш ўтказиш ҳуқуқини берувчи зарур ҳужжатларни кўрсатиш ва текшириш учун асос ҳисобланувчи ҳужжатларни тилхат асосида топшириш. Текшириш тўғрисида “Текширишларни рўйхатга олиш китоби”га тегишли ёзувларни қайд этиш (Китоб тақдим этилмаган тақдирда бу ҳақда тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилади).

2. Текширилаётган хўжалик юритувчи субъект (корхона) тўғрисида маълумотлар. (Номи, манзили, фаолият тури, раҳбарлари ва ҳ.к.).

3. Олдинги текширишда аниқланган камчиликлар ва уларни барта-раф этилиши тўғрисида маълумотлар.

4. Текшириш мақсади: Дон қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш соҳасини тартибга солишга доир амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини ўрганиш.

5. Текшириш предмети:

Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 25 майдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган “Дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ички ташиш, қайта ишлаш ва сотишнинг дастлабки ҳисобини юритиш ва расмийлаштириш тўғрисида”ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 26 майда 1684-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва сотиш бўйича операцияларининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш тўғрисидаги Йўриқнома”, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2005 йил 20 август санасидаги 160-сон буйруғи билан тасдиқланган “Уруғлик донни қабул қилиш, тайёрлаш, дориллаш, тарқатиш ва сифатини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома”, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 20 июнда 936-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Донни қабул қилиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари билан ҳисоб-китоб тартиби бўйича Йўриқнома”, “Ўздонмаҳсулот” АК ва “Ўздавдонинспекция”нинг 2011 йил 5 январдаги 2-и-сон қўшма буйруғи билан тасдиқланган “Ун, ёрма, мойли экинлар уруғлари ва донни сақлаш Йўриқномаси”, “Ўздонмаҳсулот” АК ва “Ўздавдонинспекция”нинг 2008 йил 9 июндаги 25-и-сон қўшма буйруғи билан тасдиқланган “Элеватор ва дон қабул қилиш корхоналарида технологик жараёнларни ташкил қилиш ва юритиш қоидалари”, “Ўздонмаҳсулот” АК ва “Ўздавдонинспекция”нинг 2009 йил 19 февралдаги 3-и-сон қўшма буйруғи билан тасдиқланган “Тегирмонларда технологик жараёнларни ташкил қилиш ва юритиш қоидалари”, “Ўздонмаҳсулот” АК ва “Ўздавдонинспекция”нинг 2011 йил 5 январдаги 4-и-сон қўшма буйруғи билан тасдиқланган “Омихта ем ишлаб чиқариш технологик жараёнларни ташкил қилиш ва юритиш қоидалари”, амалдаги дон ва дон маҳсулотларига тегишли бўлган давлат стандартлари ҳамда соҳадаги техник шартлар талаблари.

Текширишда ўрганиб чиқиладиган масалалар:

а) корхона элеваторлари, омборлари, тегирмонлари ва омихта ем мажмуаларининг техник ҳолати, уларда технологик жараёнларни тўғри ташкил қилинганлиги, мавжуд дастгоҳларнинг ишчи ҳолати ва самарадорлиги, дон зараркуналари қарши кураш олиб борилганлигини ўрганиш;

б) донни қабул қилиш ва қайта ишлаш корхоналарида дон ва дон-ни қайта ишлаш маҳсулотларининг давлат ресурсларидан белгиланган мақсадда оқилона фойдаланиши, уларнинг жойлаштирилиши, сифати, сақланиши, ишлаб чиқаришга тайёрланиши, қайта ишлаш, сотишнинг зарур тартибига риоя қилиниши ҳамда нобуд бўлишини қисқартириш масалаларини ўрганиш;

в) дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотларига норматив-техник ҳужжатлар ҳамда техник шартлар талабларига, шунингдек, қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт-импорт операцияларида уларнинг сифатини синаш усулларига риоя қилиниши;

г) дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотларини жойлаштирилиши, сақлаш учун мўлжалланган сиғим, омборлар ва майдонларнинг ҳолати;

д) ишлаб чиқарилаётган донни белгиланган меъёр даражасигача намланиши, маҳсулот чиқиши ва ажратиб олинаётган дон чиқиндилари сифати ва миқдорлари ҳаққонийлигини таъминланиши, маҳсулот-ларнинг (ун, ёрма, кепак ва бошқалар) сифатини таҳлили ва уларни давлат стандартлари талабларига мослиги;

е) тайёр маҳсулотлар омборида сақланаётган ун маҳсулотларининг давлат стандарти талаблари даражасида сақланиши, сифати ва ундан оқилона фойдаланиш таъминланиши;

ж) лабораториялар биноларининг ҳолати, зарур жиҳозлар, уску-налар, тарозилар, кимёвий реактивлар билан таъминланганлиги;

з) ишлаб чиқариш ва омихта ем лабораторияларида таҳлиллар-нинг ўз вақтида ўтказилиши, журналлар ва бошқа ҳужжатларнинг тўғри ҳамда белгиланган муддатларда расмийлаштирилиши, намуна сақлаш хоналарининг ҳолати, намуналарнинг сақланиши;

и) лабораториялар ходимларининг малакаси, маҳсулот сифатини яхшилаш ва сифат кунларини ўтказиш бўйича тузилган чора-тадбирлар;

к) корхонада миқдор ва сифат ҳисоби ҳамда бирламчи ҳужжат-ларнинг юритилиши;

л) дон ва дон маҳсулотларини ички ва ташқи тизимга жўнатишни расмийлаштирилиши;

м) дон ва дон маҳсулотларини қуритиш ва тозалаш жараёни-ларининг тўғри расмийлаштирилиши;

6. Текшириш натижалари бўйича 2 нусхада далолатнома тузилиб, унга заруратга қараб, текширилган хўжалик юритувчи субъект раҳбари ёки мансабдор шахсларининг тушунтириш хатлари, тегишли ҳужжатлар нусхалари илова қилиниб, текшириш далолатномасининг 1 нусхаси текшириш якунланган кун субъект раҳбарига уни олганлиги тўғрисида имзо билан қолдирилади.

Текшириш натижасига кўра аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан кўрсатма берилади.